

“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг Ўзбекистон Энергетика Тармоғидаги Иқтисодий Ва Стратегик Ўрни

Ибрагимов Зухриддин Сайфутдинович

Иқтисодиёт ва Молия Вазирлиги, Бошқарма бошлиғи

Кириш.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ Ўзбекистон энергетика тармоғининг асосий иштирокчиси бўлиб, мамлакатни углеводород ресурслари билан таъминлаш ва уларни қайта ишлаш бўйича стратегик ўринни эгаллайди. Компания нефть ва газни қидириш, қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича кенг қамровли фаолият олиб боради, бу эса уни нафақат ички энергия хавфсизлигининг муҳим элементи, балки халқаро миқёсда муҳим экспортчига ҳам айлантиради.

Сўнгги йилларда “Ўзбекнефтгаз” АЖ олдида экологик тоза технологияларга ўтиш, глобал декарбонизация тенденциялари ва ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш билан боғлиқ қатор муаммолар ва имкониятлар юзага келди. Фаолиятнинг асосий йўналишларидан бири газ-кимё мажмуасини ривожлантириш ва кўшилган қийматли маҳсулотлар улушини оширишдир. Инфратузилмани модернизация қилиш, табиий газни қайта ишлаш чуқурлигини оширишга қаратилган инвестиция лойиҳалари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Асосий қисм.

Нефть ва газ соҳасида фаолият юритувчи акциядорлик жамиятларидан бири бўлган “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг молиявий кўрсаткичлари чуқур ўрганиб чиқилиб ва унинг фаолияти тахлилий маълумотлар асосида йиллар кесимида атрофлича таҳлил қилинди. Унга кўра 2023 йил якунида “Ўзбекнефтгаз” АЖ 14 991,0 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариб ЯИМни 1,3 фоизини ташкил этди, корхонанинг ходимлар сони 32,3 мингтани ташкил қилиб, жами иш билан банд аҳолининг 0,2 фоизини ташкил қилди ҳамда корхона 2023 йил якунида 3 чи энг йирик солиқ тўловчи бўлиб, 7,2 трлн. сўм солиқлар тўланган ва давлат бюджети даромадларининг 2,7 фоизини ташкил этди.

Охириги 10 йилликда нефть ва газ соҳасидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни 40 фоизи “Ўзбекнефтгаз” АЖ га тўғри келади. Корхона S&P рейтинг агентлиги томонидан В+, Fitch рейтинг агентлиги томонидан ВВ- даражасида баҳоланган. “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг устав капитали

22 249,7 млрд. сўмни ташкил этиб, устав капиталидаги 99,90 фоиз улуши Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли.

Бугунги кунда “Ўзбекнефтгаз” АЖ 50 дан ортиқ корхоналарни, 13 та қўшма корхона, углеводородларни қазиб олиш бўйича 10 та йирик корхоналарни, шу жумладан Шўртан газ-кимё мажмуаси, Устюрт газ-кимё мажмуаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Ўзбекистон GTL каби корхоналарни ўз ичига олади.

Шўртан газ-кимё мажмуаси қуввати йилига 125 минг тонна полиэтилен гранулари, тижорат гази йилига 3,5 млрд. куб-метри, суюлтирилган газ 110 минг куб-метри, газ конденсати йилига 100 минг тонна, полиэтилен қувурлари эса 4,5 минг тоннани ташкил этган. Устюрт газ-кимё мажмуаси қуввати йилига 83 минг тонна полипропилен, пиролиз мойи 8,3 минг тонна, паст молекуляр оғирликдаги полимер эса йилига 8 минг тоннани ташкил этган. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи йиллик қуввати 641 минг тонна автомобил бензини, йилига 300 минг тонна авиация керосини, 1026,9 минг тонна дизел ёқилғиси, шу жумладан 120 минг тонна Евро-5 дизел ёқилғиси ишлаб чиқаради. Муборак газни қайта ишлаш заводи йилига 454,8 минг тонна

олтингўрт ишлаб чивариш қувватига эга. Ўзбекистон GTL йилига 307 минг тонна керосин, суюлтирилган углеводород газы 53,4 минг тонна ишлаб чиқаради.

Шунингдек, 2023 йил учун республика бўйича табиий газ истеъмол ҳажми жами ўтган йилга нисбатан 7,5 фоизга ошиб, 54,4 млрд. куб-метрни ташкил этган. Шундан, 30,3 млрд. куб-метри иқтисодиётнинг йирик тармоқ корхоналари томонидан ва 12,2 млрд. куб-метри аҳоли томонидан истеъмол қилинган бўлса, қолган 11,9 млрд. куб-метри соҳанинг ишлаб чиқариш ва технологик эҳтиёжлари ҳамда бошқа эҳтиёжлари учун истеъмол қилинган.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ички бозорни таъминлашдан ташқари, ташқи бозорларга ҳам рақобатбардош ва сифатли нефт ва газ маҳсулотлари етказиб бериш билан ҳам шуғулланади. Жумладан 2023 йил якунини таҳлил қилинса, полиэтилен 213,0 млн. АҚШ доллари, нефт маҳсулотлари 186,7 млн. АҚШ доллари, суюлтирилган газ 4,0 млн. АҚШ доллари ва бошқа товарлар 105,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилган. Жами 2023 йил якунига кўра 508,9 млн. АҚШ доллари қийматида маҳсулотлар экспорт қилиб, жами экспортнинг 2,0 фоизини ташкил этди. Йиллар кесимида олинганда, 2022 йил мос даврида мазкур кўрсаткич 461,0 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2021 йил 433,1 млн. АҚШ долларига етган. Таҳлил қилинганда, ўртача 2021-2024 йилларда йиллик экспорт ўсиши 13,1% таҳлил қилинган.

Бугунги кунда “Ўзбекнефтгаз” АЖ бозор талабларидан келиб чиқиб, ўз маҳсулотлари турларини кенгайтириш мақсадида айрим маҳсулотларни импорти билан шуғулланади. Жумладан пўлат чоксиз қувурлар, насос-компрессор қувурлари, хаво филтрлари, коммутатор, фаоллаштирилган алюминий оксиди, турбина мойи, катализатор ва кимёвий газ детекторлари.

Таҳлил асосида 2023 йил якунига кўра “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг молиявий кўрсаткичлари жами активлари 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 75 075,0 млрд. сўмни ташкил қилиб, 15,7 фоизга ошган. Бунда, жами мажбуриятлар 43 126,0 млрд. сўмни ташкил қилган ва 36,2 фоизга кўпайган. Ўз маблағлари манбалари эса аксинча 3,7 фоизга камайган ва 31 949,0 млрд. сўмни ташкил этди. Асосий кўрсаткичлардан ҳисобланган соф фойда деярли 77,1 фоизга камайган ва 568,0 млрд. сўмни ташкил этганини кўрсатди. Шунингдек корхонанинг, жами ташқи қарз қолдиғи 2023 йил якуни бўйича 30 028,8 млрд. сўмни ташкил қилган.

“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2022 -2023 йил якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот.¹

Молиявий кўрсаткичлар	2022 йил якуни	2023 йил якуни
Жорий ликвидлик даражаси	0,6	1,3
Соф фойда маржаси, %	18,4	3,8
Активларнинг рентабеллиги, %	3,8	0,75
Капиталнинг рентабеллиги, %	7,5	1,8

“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича жорий ликвидлик даражаси 1,3 фоизни ташкил этиб, 2022 йил мос даврига нисбатан яхшиланди, соф фойда маржаси аксинча ёмонлашиб 2023 йил 3,8 фоизни, 2022 йилда бу кўрсаткич 18,4 фоизни ташкил этган. Активларнинг рентабеллиги 2023 йилда 0,75 фоизни, 2022 йилда 3,8 фоизга ошганлигини намойон этган. Бунга асосий сабаб соф фойда 77,1 фоизга камайиб, 568,0 млрд. сўмни ташкил этган.

2024 йилда газ қазиб олиш ҳажми пасайишда давом этди ва 3,55 млрд куб метргача камайган (2023 йил сентябрига нисбатан -5,8 фоиз). Бензин ишлаб чиқариш ҳажми 99,2 минг тоннагача (-11,1 фоиз), дизел эса 72 минг тоннагача (-5,5 фоиз) пасайди.

¹ Муаллиф томонидан ҳисобланган.

Аксарияти газ (шунингдек, кўмир)да ишлайдиган йирик энергия таъминоти корхоналарида ва гидроэлектростанцияларда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 4,69 млрд кВт/соатгача, яъни 2023 йилнинг мос даврига (5,18 млрд) нисбатан 486,8 млн кВт/соатга (-9,4 фоизга) камайган.

Нефть қазиб олиш ҳажми 57,1 минг тоннагача (-11,1 фоиз ёки 2023 йил мос даврига нисбатан 7100 тонна камроқ) камайди. Бу 56,5 минг тонна нефть қазиб олинган 2022 йил февралидан буён минимал кўрсаткич ҳисобланади.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ молиявий ҳолатини барқарорлаштириш мақсадида 2030 йилга бориб Ўзбекистонда газ қазиб олиш ҳажмини 62 млрд куб метргача ошириш режалаштирилган.

Шунингдек 2024-2026 йилларга мўлжалланган 4та йирик инвестиция лойиҳаларининг қиймати 2053,2 млн. АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда. Хусусан 2025-2027 йилларга мўлжалланган “Синтетик мой ишлаб чиқариш” лойиҳаси учун 250,0 млн. АҚШ доллари қийматида ва “Е-коп” инвестиция дастури лойиҳаси доирасида 2023-2024 йиллар кесимида 53,2 млн. АҚШ доллари қийматида инвестиция киритиш мўлжалланган.

Хулоса.

Таҳлилларга мувофиқ, “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг Ўзбекистон иқтисодиётида ўрни юқори эканлигини кўришимиз мўмкин. “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг ривожланиши Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири беқиёс. Корхонанинг айрим молиявий кўрсаткичлари пасайишига қарамай, корхона фаол инвестициялар жалб қилишда етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда.

Иқтисодий нуқтаи назардан, “Ўзбекнефтгаз” Ўзбекистон бюджетига барқарор солиқ тушумлари ва энергия экспортидан валюта тушумларини таъминлаб, катта ҳисса қўшмоқда.